O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 25 ноябрь, №238 (3350) Сешанба

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БОЛГАРИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 ноябрь куни давлат ташрифи билан Болгарияга жўнаб кетди***

—Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги алоқалар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ривожланмоқда, — деди давлатимиз раҳбари Софияга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида. — Дўстона муносабатларимиз халқларимиз бошига қийин кунлар тушганда, айниқса, яққол намоён бўлган. Хусусан, ўтган асрда Тошкентда содир бўлган зилзила оқибатларини тугатишда Болгария ҳам яқиндан ёрдам берган эди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва ижтимоий муносабатлар ҳам ана шу дўстона ишонч руҳида тараққий этмоқда. Бир сўз билан айтганда, алоқаларимизни ривожлантиришда сиёсий жиҳатдан муаммо йўқ.

Бироқ бизни сўнгги пайтда иқтисодий алоқаларимиз анча сустлаша бошлагани ташвишга солаётир. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки бароборга камайиб кетгани кузатилди. Ўзбекистонда ҳам, Болгарияда ҳам экспортбоп маҳсулотлар кўп. Аммо бу борада икки мамлакат ишбилармонлари етарли тасаввурга эга эмаслиги ва бозорни яхши ўрганишга жиддий эътибор бермаётгани иқтисодий алоқаларимизни кенгайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, мазкур алоқаларни ривожлантиришга икки томонда ҳам қизиқиш катта.

Болгарияга ташрифимиз давомида Президент Георги Парванов ҳамда ҳукумат ва парламент раҳбарлари билан музокаралар ўтказиб, мазкур масалаларни атрофлича муҳокама этамиз, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим қидирамиз. Икки давлат ўртасида турли соҳада ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришни кўзда тутувчи ўн бешга яқин ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Улар орасида солиқ, транспорт, божхона соҳаларига оид бир қанча муҳим ҳужжатлар бор.

Болгария коммуникация нуқтаи назаридан ҳам бизга яхши шерик бўла олади. Ташрифимиз давомида Бургас шаҳрида Болгария транспорти салоҳиятининг тақдимоти режалаштирилган. Унда мамлакатларимиз ўртасида коммуникация соҳасидаги алоқалар масаласи муҳокама этилади. Шунингдек, Ўзбекистон билан Болгария халқаро ТРАСЕКА лойиҳаси доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш истиқболига эга.

Сўнгги йилларда Болгария Европа Иттифоқи ва Шимолий Альянсга интеграциялашув йўлида муҳим қадамлар ташлади. 2004 йили у Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига (ЕХҲТ) раислик қилади. Яқинда эса НАТОга қабул қилинади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон билан Болгария ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**



***София, 24 ноябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.***

Ўзбекистонлик олий мартабали меҳмоннинг давлат ташрифи муносабати билан Болгария пойтахти аэропорти, кўча ва хиёбонлари икки мамлакат байроқлари билан безатилди. София марказидаги "Авлиё Александр Невский" майдонида фахрий қоровул саф тортди.

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Болгария Президенти Георги Парванов кириб келади. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янграйди: Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтади.

Шу тариқа мамлакатимиз раҳбарининг Болгария Республикасига давлат ташрифи бошланди.

Президентларнинг юзма-юз суҳбатидан олдин Ўзбекистон Президенти хайрли ишга қўл урди — Номаълум аскар қабрига гул қўйиб, Болгариянинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон ва Болгария раҳбарларининг мулоқоти давомида икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи сиёсий жабҳада жадал ривожланаётганини, лекин савдо-иқтисодий алоқалар борасида қониқарсиз эканлигини таъкидлаб, ишбилармон доиралар вакиллари учун кенг имкониятлар яратиб беришга оид масалани муҳокама қилди. Савдо-иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Болгария ҳукуматлараро комиссиясининг ташриф арафасида ўтган сессияси якунларини кўриб чиқди.

Суҳбат чоғида транспорт коммуникациялари ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор берилди.

Халқаро миқёсдаги муаммолар орасидан терроризм ва экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг ғайриқонуний савдоси президентларнинг диққат-марказида бўлди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон-Болгария муносабатларини сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий-техникавий йўналишларда кенгайтиришга доир талай масалалар муҳокама қилинди. Бунда, айниқса, иқтисодий соҳага алоҳида эътибор қаратилар экан, товарлар ва хизматларнинг нархи ёки икки мамлакатнинг ўртасидаги масофанинг нисбатан узоқлиги эмас, кўпроқ ҳуқуқий асоснинг етарли даражада такомиллаштирилмагани асосий тўсиқ бўлаётгани қайд қилинди.

Музокарада эришилган натижалар ҳақида унинг якунида имзоланган ҳужжатлар тўлиқ тасаввур беради. Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида Даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солишдан қочиш тўғрисидаги битим, Ветеринар-санитария конвенцияси, Темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Халқаро алмашлаб юк ташиш тўғрисидаги битим, Ноқонуний яшаб юрган шахсларни қайта қабул қилиш тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Анжуманда томонлар музокаралардан тўла қониқиш ҳосил қилгани таъкидланди.

Оқшом Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига Болгария Республикаси Президенти номидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Болгарияга давлат ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: ташрифдан лавҳа.**
**Дилшод ЮСУПОВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рўза ҳайити" муносабати билан 1991 йил 11 апрелдаги 193-сонли Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2003 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 25 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2003 йил 25 ноябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайити байрами жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 18 ноябрь.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Сизни Америка халқи номидан Рамазон ҳайити муносабати билан муборакбод этаман,

Бутун жаҳон мусулмонлари учун муҳим бўлган ушбу айёмда биз Ўзбекистон фуқароларига энг эзгу ниятларимизни йўллаймиз.

Рамазон бошланиши муносабати билан ёзган мактубингизда, Сиз келгуси йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиши барча соҳалар бўйича кенг миқёс касб этишига умид қилишингизни билдирган эдингиз. Мен ҳам шундай умиддаман.

Самимият ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

* * *

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Қутлуғ Ийд ал-Фитр кириб келиши муносабати билан Сиз Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этаман.

Мусулмон халқлар аввалгидан кўпроқ бир-бирларига яқинлашиши билан уларнинг кун сайин равнақ топиши ва иззат-икромларининг ортиши учун имкониятлар яратилади ҳамда дўстлик ва биродарлик ришталари янада мустаҳкамланиб боради, дея умид қиламан.

Худованди каримдан Ўзбекистон халқига муваффақиятлар, юксалиш ва тараққиёт тилаб қоламан.

**Саййид Муҳаммад ХОТАМИЙ,**
**Эрон Ислом Республикаси Президенти.**

*Қарор ва ҳаёт*

# ТАЪЛИМДА ИЗЧИЛЛИК — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

*Маълумки, шу йилнинг 30 октябрь куни матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Бу ҳужжат таълим соҳасидаги ислоҳотларни такомиллаштиришда алоҳида аҳамиятлидир.*

Ушбу қарорда асосий эътибор нималарга қаратилган? Унда академик лицей ва касб-ҳунар коллежи каби янги турдаги таълим муассасаларини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида қуришни кучайтириш вазифаси белгиланган. Ҳукуматимизнинг бундан олдинги, яъни 2001 йил 14 августда қабул қилинган 338-сонли қарорида, умуман республикада ташкил этиладиган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг рўйхати ҳамда уларнинг оқилона жойлаштирилишининг манзилий дастури ва замон талаблари даражасидаги зарур моддий-техника базаси билан таъминланиши масалалари қўйилган эди. Ҳукуматимизнинг бу янги, 473-сонли қарорида аввалги қарорда белгиланган қурилишлар кўламига амал қилинган ҳолда, қишлоқ жойларидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари қурилишига эътибор кучайтирилган.

Бу жуда муҳим ва долзарб масала. Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий соғлом, жисмонан бақувват, замон талабларига жавоб бера оладиган, ҳар томонлама баркамол кадрлар сифатида тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратилиши зарур.

Ушбу қарорга мувофиқ, қишлоқларда қурилиши режалаштирилган бундай иншоотлар муддати олдинга сурилди. Атиги битта далил келтирайлик. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги Қипчоқ қўрғонида

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2003 йил 20 ноябрь куни Истанбул шаҳрида (Туркия) содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон ҳукумати номидан кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган Истанбулдаги янги террорчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралайди.

Ўзбекистон халқи ҳам бутун маърифатпарвар инсоният қатори бегуноҳ одамларга қаратилган, ҳеч қандай ғоя ва мақсад билан оқлаб бўлмайдиган бу ваҳшиёна ва мудҳиш тажовуздан қаттиқ дарғазаб бўлди. Бу мислсиз жиноятлар барча мусулмонлар учун муқаддас саналган қутлуғ Рамазон ойида содир этилгани янада даҳшатлидир.

Истанбулдаги фожиа бутун жаҳон ҳамжамиятининг халқаро террорчилик ва экстремизмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва мустаҳкамлаш, бу иллатларнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистон ҳукумати ва халқи террорчилик ҳаракати оқибатида ҳалок бўлганлар ва жабр чекканларнинг оила аъзолари ҳамда яқинларига чуқур ва самимий ҳамдардлик изҳор этади.

**Тошкент шаҳри,**
**2003 йил 21 ноябрь.**

## ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШДИ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ).***

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида кураш бўйича талаба ёшлар турнири бўлди. Унда пойтахтимиздаги олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олаётган икки юзга яқин спортчи гиламга чиқди.

Б.Исмоилов, О.Равшанов, Ғ.Тўраев, Б.Менгliқулов, Б.Норқобилов, Ш.Соатов ҳамда А.Абдуллаев ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

### Жойлардан хабарлар

## ЕХҲТ вакиллари мамлакатимизда

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Ф. АРЗИЕВ).***

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) амалдаги раисининг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаари раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлди.

Парламент раиси Эркин Халилов билан музокарада Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик истиқболларига оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С.Сафоев билан учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, минтақадаги вазият, хусусан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЕХҲТ вакиллари, шунингдек, Тошкент давлат юридик институти ҳузуридаги Юридик клиника фаолияти билан танишди.

*Қарши шаҳридаги «Чори-С» хусусий фирмаси ташаббуси билан шаҳар четидаги тўрт гектарлик ташландиқ ер ўзлаштирилиб, «Осиё» савдо мажмуаси бунёд этилди.*

## Саховатпешалик

Ҳар йили шаҳардаги 43-ўрта мактабни тўлиқ таъмирлашни ўз зиммасига олган фирма аъзолари кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга ҳам хайр-саховат кўрсатишаяпти. Айни кунларда улар шаҳарнинг «Ҳарамжўй» даҳасида йўловчиларга замонавий мажмуа бунёд этиш ҳаракатидалар.

**Ўз мухбиримиз.**

***Таҳририятимизга кунига кўплаб мактублар келади. Қўнғироқлар бўлади. Тўғри, уларнинг мавзуи ва йўналиши турлича. Лекин аксарияти «Обуна-2004» билан боғлиқ.***

## «Халқ сўзи» — халқники

Обуна 2004

Матбуотсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзимдан қиёс қиладиган бўлсам, газетага меҳрим шунчалик баландки, барча ишимни ташлаб бўлса-да, уни мутолаа қиламан. Ўқишни охирига етказмасдан бошқа ишга қўлим бормайди.

Мен "Халқ сўзи"нинг илк сонидан, дастлаб нашр қилинган йилидан бери обуначисиман. Газетада республика янгиликлари, дунё хабарларининг бериб борилиши бизга жуда қўл келмоқда. Айниқса, тўртинчи бетда ташкил этилган "Гурунг" саҳифасини севиб ўқимоқдамиз. Лекин кейинги пайтларда газетада танқидий материаллар, фельетонлар, назаримда, камайиб кетди.

Ҳаётимизда учраб турувчи камчиликлар, адолатсизликлар, баъзи мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари фош қилинса, газетанинг обрўйи яна ҳам ошади, деб ўйлайман. Бу — биз сингари газетхонларнинг истаги. Шу ўринда бошқаларни ҳам "Халқ сўзи"га обуна бўлишга ундайман. Чунки ушбу газета ўз номи билан халқникидир.

**Жўрабой БОЛТАБОЕВ.**
**Фарғона вилояти,**
**Бағдод тумани.**

*Футбол*

## Ўзбекистон Хитойга боради

***Футбол бўйича Осиё чемпионати турнирининг саралаш ўйинларида иштирок этаётган ҳамюртларимиз ўз гуруҳида биринчиликни қўлга киритди.***

Ҳа, ўзбекистонлик футбол мухлислари интиқлик билан кутган воқеа содир бўлди. Ушбу турнир тугамасданоқ, 13 очко тўплаган футболчиларимиз фахрли йўлланманинг соҳибига айланишди. Гарчанд кўнгиллари хотиржам бўлса-да, ҳамюртларимиз шу баҳонада ўз асабларини анча-мунча синовдан ўтказиб олишди.

«Уй»даги биринчи давра ўйинларини эслайлик. Равшан Ҳайдаров шогирдлари Тошкентда яхши ўйин кўрсатишди. Сянганликларни 4:1, таиландликларни 3:0 ҳисобида мағлуб этишди. Йигитларимиз фақат Тожикистон терма жамоасигина етарли қаршилик кўрсата олди: Тошкентдаги ўйин дуранг (0:0) билан якунланди.

«Уй»да дурангга имзо чекишган командамизга Таиланддаги иккинчи давра ўйинларида биринчи бўлиб тожикистонлик футболчилар рўбарў келишди. Учрашувда Ўзбекистон жамоаси устун (4:1) келди. Натижа жуда ҳаққоний ва самарали бўлди. Ваҳоланки, бу учрашувда футболчиларимизга «ўз уйи деворлари» ҳам, кўп сонли мухлисларнинг олқишлари ҳам ёрдам бергани йўқ. Бироқ минтақа чемпионати финалида Тожикистон командаси биз учун «синалмаган от» бўлиб турган эди. Қолган командалар, биринчи даврада кўрганингиздек, футболчиларимиз шиддатига дош беролмадилар. Кўплаб футбол билимдонлари шу ернинг ўзидаёқ, Ўзбекистоннинг Хитойга бориши аниқлигини башорат қилишди. Юртдошларимиз Сянган билан навбатдаги учрашувини дуранг ўйнашса, ўз гуруҳида биринчиликни эгаллаган бўлишарди. Қанчалик қаршилик кўрсатилмасин, сянганликлар учун ғалабага имконият қолмади – ҳисоб 1:0. Таиланд билан ўтказилган учрашувдаги мағлубиятнинг сабабини Ўзбекистон терма жамоаси тренерлар штабининг «ёшларни майдонда синаб кўриш» тўғрисидаги қарори билан изоҳлаш мумкин. Бу шунингсиз ҳам тушунарлидир. Чунки бу учрашув биз учун ҳеч нарсани белгиламас эди. Шу туфайли тренерларимизнинг қарори жуда тўғри эканлигига амин бўлдик. Биз Таиландда рақибларнинг барчасини қувиб ўтдик ва ҳатто захирамиздаги ёшларнинг имкониятларини ҳам синаб кўришга эришдик. Ҳечқиси йўқ, терма жамоамиз ёшларининг ўз рақиблари олдидаги бироз истиҳоласи, янги муҳитга мослашмаганлигини ҳисобга олмаганда, ўйинлари чакки эмас. Бу бўшлиқ тажриба билан тўлиб бораверади. Ёшлар ана шундай учрашувларда малакасини бойитиб бориши керак.

Дарвоқе, ёшлар хусусида. Миллий терма жамоамизнинг минтақавий финалга йўлланма олиши мамлакатимизда футболни ривожлантириш борасидаги миллий дастурнинг ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётганлигини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз терма жамоасида тўп сураётган Максим Шацких, Владимир Маминов, Олег Пашинин каби футболчиларимизнинг чет элдаги олий дивизионларда ҳам ошиқлари бисёр. Ёшлар терма жамоамизнинг эрта-индин Бирлашган Араб Амирлигида бошланадиган жаҳон чемпионати финалида иштирок этиши-чи? Ваҳоланки, «Жаҳон чемпионати биз учун ҳали анча узоқда» дегувчилар ҳам бўлганди ўшанда.

Ана шунақа гаплар. Катта режаларни босқичма-босқич амалга ошираётган Ўзбекистон Футбол федерацияси раҳбарияти бундан-да улкан вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу, табиийки, ўз меваларини бермоқда ва беражак!

**Ўз мухбиримиз.**



Сиз сессиядан нима кутаяпсиз?

# Тараққиёт омилига айланади

**Фахриддин ҲУСАНОВ, «Митанпахта» ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси:**

— Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси муҳокамасига «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари ҳам қўйилаётгани, аввало, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тобора жадаллашаётганидан далолат беради. Бу қонунлар кучга киргач, қанчадан-қанча расмиятчиликлардан халос бўламиз. Ортиқча қоғозбозлик, бехуда вақт йўқотишлар — ҳамма-ҳаммаси ўз-ўзидан барҳам топади.

Жамоамиз аҳли бу йил 26700 тоннадан ортиқ пахта ҳосилини қабул қилиб олди. Айни пайтда уни қайта ишлаш жадал олиб борилаяпти. Толамизнинг асосий харидорлари эса хорижликлар. Улар билан олди-сотди қилишда бизга айнан юқорида тилга олинган қонунлар катта ёрдам беради. Бу, демак, ана шу лойиҳалар муҳокамага қўйилгани кўнгилдаги иш бўлди. Депутатларгина эмас, оддий сайловчилар ҳам фикрларини, таклифларини билдиришди. Натижада лойиҳалар янада пишиқ-пухта ҳужжатга айланди. Келгусида уларнинг қабул қилиниши мамлакатнинг иқтисодий ривожига катта ҳисса қўшади.

**Андакул РАҲМОНОВ, Жомбой туманидаги «Кувват» фермер хўжалиги раиси:**

— Мен «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси билан атрофлича танишиб чиқдим. Мамлакатимизда хусусий мулкчиликка кенг йўл очилиши мустақиллигимиз билан боғлиқ экани бугун барчага равшан. Хусусий мулкка асосланган корхоналар кун сайин кўпайиб бораяпти. Шундай бўлгач, уларнинг фаолиятини қонунан тартибга солиш катта аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт ривожида хусусий корхоналар муҳим аҳамият касб этишини бугунги давр яққол кўрсатиб турибди. Манфаатдорлик бор жойда тараққиёт бўлишини вақтнинг ўзи исботлаяпти.

Масалан, мен илгари жамоа хўжалигида ишлардим. Ҳозир фермерман. Иқтисодий аҳволим, турмуш тарзим аввалгидан сезиларли даражада яхшиланди. Чунки чин дилдан меҳнат қиламан. Ўғит, ёнилғи ва бошқа харажатлар қанчалик кўп бўлса, маҳсулот таннархи қимматлашишини яхши биламан.

Хусусий корхоналарда ҳам шундай. Бундан буён уларнинг эгалари манфаати қонун йўли билан муҳофаза қилинади. Ўз навбатида хусусий корхоналар фаолияти ҳам қонун талаблари даражасида бўлиши керак.

**«Халқ сўзи» мухбири Абдурасул САТТОРОВ ёзиб олди.**

# Камчиликлар таҳлил қилинди

Қишлокда ислоҳотларни чуқурлаштириш, энг аввало, фермер хўжаликлари фаолиятига боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонидан сўнг мазкур йўналишда туб бурилиш чоралари белгиланмокда. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 2004-2006 йиллар давомида 105 та, 2004 йилда 35 та паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу муҳим вазифани изчил амалга ошириш масалаларига бағишланди. Қорақалпоғистон ҳукумати раҳбари Турсунбой Тангриберганов бошқарган бу йиғилишда агросаноат комплексига алоқадор вазирлик ва идораларнинг етакчилари, туман ҳокимлари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Йиғилишда аввал ташкил этилган фермер хўжаликлари уюшмаларини шакллантириш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар алоҳида уқтирилди. Танловларнинг ҳар томонлама мукаммал ўтказилиши юзасидан йўл-йўриқлар берилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Муса Ерниязов, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Абдувоҳид Жўраев қатнашди.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ИҚТИСОДИЁТ янгиликлари

## Солиқ ва матбуот

Республикамизнинг марказий ва маҳаллий газета-журналларида эълон қилинаётган мақолалар, «Ўзтелерадиокомпания»нинг ахборот дастурлари, шунингдек, «Таянч» ҳамда «Бурч ва масъулият» каби кўрсатувларида солиқ тизими, шу жумладан, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасида амалга оширилаётган ишларга оид янгиликлар, солиқ юкини камайтириш, иқтисодиёт ривожига ва пул муомаласини барқарорлаштиришга халақит бераётган муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисидаги масалалар кенг ёритиб борилаётганидан хабардорсиз, албатта. Бу йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтириш, оммавий ахборот воситаларида ёритиладиган солиқ сиёсатига оид материаллар савиясини янада кўтариш мақсадида Тошкент шаҳар ДСБда «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати асосий йўналишларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини ташкил этиш йўллари» мавзусида амалий семинар ўтказилди. Унинг иштирокчилари ўз фаолиятига доир муаммоларни муҳокама қилиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

Семинарда Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

## «Уста-2003» ғолиби

— Бизда нафақат “ЎзДЭУавто” машиналари сотилади, балки уларга сифатли техник хизмат ҳам кўрсатилади, – дейди “Тошвилоятавтотеххизмат” ҳиссадорлик жамияти раиси Эркин Обидов. –Устахоналаримизда ўз касбини яхши биладиган, тажрибали йигитлар ишлашади. Улардан бири ёш бўлса-да, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган Фарҳод Тўқлибоевдир.

Яқинда Асака шаҳрида ўтказилган “ЎзДЭУавто” машиналарини таъмирлаш бўйича “Уста-2003” республика танловида Фарҳод ҳам қатнашиб, биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди ва рангли телевизор билан мукофотланди.

**Орзиқул МАЪМУРОВ.**

# ТАЪЛИМДА ИЗЧИЛЛИК — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

900 ўринли қурилиш касб-ҳунар коллежи аввалги дастурда 2009 йилга бориб ишга туширилиши мўлжалланган эди. Янги истиқболли кўрсаткичлар рўйхатида мазкур касб-ҳунар коллежининг қурилиши 4 йил олдин, яъни келгуси 2004 йилда фойдаланишга топшириладиган бўлди. Республикамизнинг қишлоқ жойлари учун режалаштирилган бошқа юзлаб академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши ҳам шу йўсинда тезлаштирилади. Улар энг замонавий ўқув-лаборатория асбоб-анжомлари, таълимнинг техник воситалари билан жиҳозланади. Қарорда ана шундай аниқ йўналтирилган рўйхатга таянган ҳолда йиллик инвестиция дастурини тузиш тегишли ҳокимлик, вазирлик ва идоралар олдига вазифа қилиб қўйилган.

Қарорнинг яна бир жиҳати алоҳида эътиборни талаб этади. Бу шундан иборатки, шаҳардами, тумандами, қишлокдами, қаерда бўлмасин, 9-синф битирувчилари ўқишни давом эттира олмаслигининг ҳар бир ҳолатига ташвишли ҳол сифатида қаралиши шарт қилиб қўйилган. Умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирган биронта ҳам ўқувчи ўқув-тарбия жараёнидан четда қолиши мумкин эмас. Маҳаллий ҳокимият, ҳуқуқ-тартибот органлари, маҳалла, мактаб, ота-оналар бу масъулиятли вазифага ўз вақтида тўғри ёндашиб, зудлик билан назорат остига олишлари ва муаммони ҳал этишлари керак. Бундай ҳолатларга йўл қўйилишига кимки айбдор бўлса, давлат томонидан уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилади.

Қарорда масаланинг бундай қатъий қўйилишининг ҳаётий зарурияти катта. Ўсмирларимиз ҳаётида умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даври ҳал қилувчи, бурилиш босқичи ҳисобланади. Улар худди шу ёшда ҳаётий дунёқарашга, мустаҳкам инсоний эътиқодларга ва дастлабки пухта билим-малакага эга бўлади. Ёки аксинча, агар улар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, узлуксиз таълимдан четда қолсалар, бу навниҳол ёшлар бемаъни йўлларга кириб кетиши, носоғлом қарашлар таъсирига тушиб қолиши, шахс сифатида «синиши» мумкин. Ҳаётда бундай ҳолатлар учраб туради. Мана шунинг учун ҳам, инсоннинг болалик даврида узлуксиз таълим-тарбия изчиллигини сақлаш, бундай таълим-тарбиядан биронта ҳам боланинг четда қолиб кетмаслигини таъминлаш ижтимоий аҳамиятга эга.

Қарорда 9-синф битирувчиларининг 10, 11-синфларда ўқишини вақтинча давом эттиришлари тўғрисида масала ҳам қўйилган. Бу масала зарур изоҳни талаб қилади, албатта...

Юқорида умумтаълим мактабларида ўқувчилар ўрни етарлича мувозанатли қисқартирилмаганлиги ҳолатини эсладик. Очиқроқ айтсак, мактаблардаги 10 ва 11-синфларнинг қисқартирилишида бироз шошқалоқликка йўл қўйилди ва 9-синф битирувчиларининг таълимида узилиш рўй бериш ҳолати вужудга келди. Қарорда бундай муаммони бартараф этиш учун қишлоқ жойларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари қурилишини тезлаштириш билан бир қаторда айрим мактабларда 10 ва 11-синфларда ўқишни вақтинча давом эттириш вазифаси қўйилди.

«Айрим мактабларда» деганимизнинг сабаби шуки, юқоридаги ҳукумат қарорига биноан тасдиқланган Низомга мувофиқ, 10 ва 11-синфлар очиладиган мактабларнинг, аввало, ўқув-моддий базаси замонавий таълим жараёнини ташкил этиш талабларига мувофиқ бўлиши шарт. Иккинчидан, бу мактабларда таълим-тарбия жараёнини Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида амалга оширишга қодир юқори малакали педагог кадрлар бўлиши зарур.

Тўққиз йиллик мактабга айлантирилган мактаблар, жойлардаги ҳокимликларнинг қарорига кўра, яқин атрофда жойлашган ва 10 ва 11-синфлари бўлган мактабларга бириктириб қўйилади.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Қарорда умумтаълим мактабларининг 10 ва 11-синфларини битирувчилар олий ўқув юртларига киришда академик лицей ўқувчилари билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиши, олий ўқув юртларига қабул ягона андозаларда йўлга қўйилиши кўрсатиб қўйилган. Умумтаълим мактабларининг 10 ва 11-синф ўқувчиларига юқори даражада малакали ва сифатли таълим бериш учун шароитлар яратилади, салоҳиятли педагоглар танланади. Ҳозирги кунда 10-синфлар учун ўқув режалари ва ўқитиш дастурлари академик лицейларнинг умумтаълим фанлари бўйича давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ қайта ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Ҳозирда 10-синфларда фанлар шундай дарсликлар асосида ўқитилмоқда. Келгуси ўқув йили бошланишигача 11-синфлар учун ҳам дарсликлар тайёр бўлади.

10 ва 11-синфларда ўқишнинг вақтинчалиги, вақти келиб, умумтаълим мактабларининг 9-синфларини битирувчилар академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига тўла қамраб олинади, деган маънони беради, албатта.

Қарорда белгиланганидек, умумтаълим мактаблари 9-синфини битирувчиларнинг академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиниши 2004-2009 йиллар орасида, узлуксиз таълим изчиллиги сақланган ҳолда, босқичма-босқич амалга ошириб борилади ва 2009 йилга бориб, тўла ниҳоясига етади. Жумладан, 2003-2004 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олинган 9-синф битирувчиларининг миқдори 36 фоизни ташкил этган бўлса, 2004-2005 ўқув йилида уларнинг 51,1 фоизи академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилинади. Ҳозир республикада 59 та академик лицей ва 531 та касб-ҳунар коллежи мавжуд. Шунингдек, 266 та касб-ҳунар коллежи дастури асосида фаолият кўрсатаётган ва реконструкция қилиш режалаштирилган таълим муассасалари ҳам бор. Уларнинг ёнига ҳар йили янгилари қўшилмоқда. Бинобарин, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига қабул йил сайин ортиб бораверади. 2009 йилга бориб, республика умумтаълим мактабларининг 9-синфини битириб чиқадиган 621 минг 249 нафар ўқувчи ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига 100 фоиз тўлиқ қамраб олинади. 2009 йилгача 178 та академик лицей ва 1689 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилиши ана шундай улкан вазифани бажаришга имконият беради.

Табиийки, қарорда қўйилган улкан вазифаларнинг бажарилиши республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан бир қаторда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари, халқ таълими ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармалари зиммасига, ҳар бир маҳалла, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ва ҳатто ҳар бир ота-она зиммасига юксак масъулият юклайди.

**М. САФАРОВ.**

# Давлат рамзларига бағишланди

Фарғона вилоятида Бош Қомусимиз – Конституция куни муносабати билан кўплаб тадбирлар ўтказилаётир. Чунончи, яқинда вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида «Давлат рамзлари – миллий қадриятларимиз» мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда байроғимиз, гербимиз ва мадҳиямизда халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ёрқин ифодасини топгани алоҳида таъкидланди. Анжуман иштирокчилари «Маънавият ма маърифат» марказининг вилоят бўлими раҳбари Т. Абдураимов, вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ректори М. Шохўжаев, Фарғона Давлат университети катта ўқитувчиси М. Раҳимқуловларнинг ушбу мавзудаги маърузаларини қизиқиш билан тингладилар.

**Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.**



Пойтахтимиздаги «НОВАS-ТАРО» қўшма корхонаси турли диаметрдаги трубалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Маҳсулотлар сифатли ва жаҳон андозалари талабларига жавоб бераётганлиги боис, айни пайтда Эрон, Афғонистон ва МДҲ республикаларига жўнатилмоқда.

**СУРАТДА: бригада бошлиғи Ҳасан Ўролов.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.**

# РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Азиз юртдошлар, Сизларни Рамазон ҳайити муносабати билан чин қалбдан муборакбод этаман. Ушбу қутлуғ байрамнинг файзу бараколи қалбларимиз ва хонадонларимизни мунаввар айласин.

Аллоҳга беадад шукурлар бўлсинким, муборак Ийди Рамазонни элу юртимизда тинчлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ҳиммат ва саховат каби анъаналаримиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқдамиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши диёримиз мусулмонлари ҳаётида муҳим тарихий воқеа, эл кўнглидаги айни муддао бўлди.

Мазкур қарор диний билим юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилишини таъминлайди. Эндиликда диний ташкилотлар коммунал хизмат учун тўловларни ишлаб чиқарувчи ташкилот сифатида эмас, балки аҳолидан олинадиган миқдорда тўламоқдалар. Бундан тежалган маблағ ҳамда маданий мерос сифатида давлат рўйхатига олинган зиёратгоҳ ва ушбу қарор билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилган қатор диний обидалардан тушадиган хайрия маблағлари масжид-мадрасаларни таъмирлаш, диний таълим тизимини такомиллаштириш, имом-хатиб ва мударрислар меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Юртимиз мўмин-мусулмонлари манфаатини кўзлаб қабул қилинган мазкур тарихий қарор уламо ва имом-хатибларимизни ўз зиммаларидаги шарафли вазифани сидқидилдан бажариш, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш, халқимиз, айниқса, ёшларни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан асраш йўлида астойдил ҳаракат қилишга ундамоқда.

Мустақиллик туфайли жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро ва бошқа ўнлаб алломаларимизнинг бебаҳо меросига муносиб ҳурмат кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони дунё маданияти хазинаси ва муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аллома меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, унинг эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини асраб-авайлаш ва ободонлаштириш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга замин яратди.

Вазирлар Маҳкамасининг тасаввуф илмининг йирик намояндаси, хожагон тариқатининг асосчиси Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори ижроси юзасидан жорий йилда аллома меросини ўрганиш юзасидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар амалга оширилди, у яшаб ўтган диёрда катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди, муборак зиёратгоҳ барпо этилди.

Бу йилги Рамазони шариф ҳар қачонгидан ҳам серфайз келди. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ташкил топганига олтмиш йил тўлди. Ана шу давр мобайнида босиб ўтилган шонли йўлга назар солар эканмиз, диний идора фаолиятининг кенгайиши, турли жабҳаларда сезиларли даражада улкан ютуқ ва муваффақиятларнинг қўлга киритилиши мустақиллик йилларига тўғри келганининг гувоҳи бўламиз.

Бу кунларга соғ-омон етказгани учун Аллоҳ таологa ҳамду сано айтиб, ўзаро меҳр-оқибатли, ҳусни муомалада бўлайлик. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит шарофати туфайли бир-бирларига қучоқ очсинлар. Чунки кечиримли бўлиш чин мўминга хос фазилатдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг "Оли Имрон" сураси, 134-оятида шундай марҳамат қилади: **"(У тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар".**

Шунингдек, саховатпеша кишиларимиз Аллоҳнинг уларга берган неъматларидан хайр-эҳсон қилишлари, муҳтож одамлар, мискину фақирларга ёрдам қўлини чўзмоқликлари даркор. Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак.

Ислом дини кишиларни, уларнинг дини, миллатидан қатъи назар, ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Қуръони каримда: **"Аллоҳга ибодат қилинг ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманг! Ота-онага яхшилик қилинг. Шунингдек, қариндош, етим, мискин, қариндош қўшни ва бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир) ва қўл остингиздагиларга ҳам (яхшилик қилинг)!"** дейилган (Нисо сураси, 36-оят). Мазкур тамойил жамият бирлиги, унинг аъзолари орасида дўстликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши ҳам эл-юрт равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлардандир. Бугунги кунда маҳалла маънавий-маърифий маскан, улкан тарбия ва ибрат ўчоғига айлангани ҳаммага яхши маълум.

Маҳалла — жамият таянчи. Унинг ободлиги халқ фаровонлигидир. Бунга эса, аввало, қўшничилик ҳақ-ҳуқуқларига мукаммал риоя қилиш, бир-бирига ёрдам бериш ва ҳожатларни раво қилиш билан эришилади. Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)-дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): *"Кимки бир мусулмоннинг дунё қайғуларидан бирини кетказса, Аллоҳ унинг қиёмат кунидаги қайғуларидан бирини кетказади. Кимки дунёда бир қийналган биродарининг оғирини енгил қилса, Аллоҳ таоло унинг қиёматдаги оғирини енгил қилади. Бир банда бир бандага ёрдам қилса, Аллоҳ таоло унга ҳам ёрдам кўрсатади"* деганлар (Имом Термизий ривояти).

Азиз юртдошлар!

Бу йилги муборак Рамазон ҳайити Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 11 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Ушбу муборак кунларда гина-кудуратни унутиб, кечиримли бўлиш айни савобли амалдир. Ўтган йилларда юрт тинчлиги, халқимизнинг фаровонлигига раҳна солиш мақсадида Ватанимизга кириб келган мутаассиб оқимлар тузоғига илинган баъзи ёшлар қилмишларига яраша жазо олдилар. Жорий йил давомида ҳукуматимиз томонидан ташкил қилинган, диний уламо ва исломшунос мутахассислардан иборат махсус ҳайъат жазо муддатини ўтаётган ана шундай маҳкумлар билан бир неча марта якка тартибда суҳбатлар ўтказиб, Қуръон ва ҳадисга асосланган соф ислом ғояларини тушунтирди. Уларнинг кўпчилиги адашганини англаб, қилмишидан пушаймон бўлди. Айни дамда уларни афв этиб, бундан кейинги ҳаётларида Ватанга, халққа хизмат қилиш орқали хатоларини оқлаш имкони берилмоқда. Ўз навбатида маҳалла жамоатчилиги, ёшларга мутасадди ташкилотлар билан бир қаторда имом-хатибларимиз ҳам уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, фойдали меҳнат билан машғул бўлиши учун ёрдам кўрсатмоқлари лозим.

Муборак Рамазон ҳайити — улуғ байрам. Бу кунни шоду хуррамлик билан ўтказиш ҳамда жамиятимизда кузатилаётган гуруҳ-гуруҳ бўлиб фотиҳага бориш, байрамни азага айлантириш каби иллатларга барҳам бериш лозим.

Улуғ айём билан муҳтарам Президентимизни, қарилик гаштини сураётган табаррук ёшдаги нуроний ва файзли отахон-онахонларимизни, шунингдек, барча юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этамиз. Ватанимиз истиқболи порлоқ, диёримиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламиз.

Ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

**Абдурашид қори БАҲРОМОВ, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

## Навбаҳорликлар хирмони

Навбаҳор туманида мўлжалдаги пахта хирмонини яратиш бу йил анча машаққатли кечди. Ва ниҳоят, йиллик шартнома режаси вилоятда биринчи бўлиб бажарилди. Давлатга 26680 тонна қимматли саноат хомашёси сотилди. Гектар бошига ҳосилдорлик 28,5 центнерга тўғри келди. “Янгиқўрғон”, “Истиқлол”, Охунбобоев номли, Навоий номли ширкат хўжаликларида бу кўрсаткич 34-39 центнерни ташкил этди.



Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, пахтадан олинадиган соф фойда 1,5 миллиард сўмдан ошади. Айни пайтда туманда кузги-қишки тадбирлар уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

## Заршунослар зафари

Навоий тумани заршунослари ҳам давлат қабул пунктларига 22 минг тонна қимматбаҳо саноат хомашёси топшириб, шартнома режасини бажардилар. Ҳар бир гектар майдондан 28,4 центнердан "оқ олтин" йиғиштириб олинди. Эришилган ютуққа, айниқса, Қодир Раҳимов номли, "Зарафшон", "Ўзбекистон", "Жалоир" ширкат хўжаликлари пахтакорлари муносиб улуш қўшдилар.

**Ҳосил КАРИМОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

## Янгиқўрғон пахтаси

Фарғона водийсининг тоғолди ҳудудига жойлашган Янгиқўрғон туманида деҳқончилик мавсуми нисбатан бир ой кеч бошланади. Асосан мева-сабзавотчилик билан шуғулланадиган янгиқўрғонликлар жорий йилда пахтачиликка ҳам қўл уришганди. Куни кеча улар давлатга пахта топшириш шартномавий режасини вилоятда биринчи бўлиб уддаладилар. Қайта ишлаш корхоналарига 3,5 минг тонна юқори сифатли хом ашё етказиб берилди. 24,7 центнерни ташкил этди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ



Яқинда АҚШ қишлоқ хўжалиги вазири Энн Венеман юртимизда меҳмон бўлди. Хорижлик меҳмоннинг ташрифига оид тафсилотлардан оммавий ахборот воситалари орқали хабарингиз бор. Стратегик мақсад ва интилишлари бир бўлган икки давлат ўртасида бошқа тармоқлар каби аграр соҳада ҳам кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш бу сафарнинг асосий мақсади эди. АҚШ ҳукуматига тегишли интернет веб-сайтларидан бирида Венеманнинг юртимизга қилган сафари икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлгани ҳақида таҳлилий мақола берилди.

— Стратегик ҳамкорликнинг узвий йўналишларидан бири — қишлоқ хўжалиги соҳасида АҚШ Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳамда кенг ривожлантиришга тайёр, — деди Энн Венеман. — Ўзбекистонга келишимдан мақсад икки томоннинг умумий қизиқишларини муҳокама этиш, келгусидаги ҳамкорлигимизнинг аниқ режаларини белгилаш ҳамда бу юртда ўтказилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар билан яқиндан танишиш эди.

Мақолада келтирилган маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, 2003 йил давомида АҚШ тарафидан Ўзбекистонда биргина озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 26 миллион доллар сарфланган. Кейинги йилда ҳам сут маҳсулотларини қайта ишловчи технологияларни юртимизга келтириш учун 15 миллион доллар ажратилиши кўзда тутилган. Маълумки, АҚШ мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлашда катта ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Венеман сўзларига қараганда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини айирбошлаш эвазига АҚШ Ўзбекистонга технологиялар етказиб беради. Бу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ, тез орада Ўзбекистоннинг дунё бозорига хомашё эмас, кўпроқ тайёр маҳсулот олиб чиқиш имконияти кенгаяди.

Икки мамлакат қишлоқ хўжалиги мутахассислари тажриба алмашишини таъминлаш юзасидан ташкил этилган курслар орқали қисқа вақт ичида ўзбекистонлик 146 нафар мутахассис океанорти мамлакатида малака орттириб қайтишди. Бундан ташқари, соҳага оид илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлашга доир ўзаро келишувга мувофиқ, айни пайтда АҚШда ташкил этилган турли халқаро фондлар мамлакатимизда аграр соҳада олиб борилаётган 21 та илмий тадқиқотни молиялаштирмоқда.

Илм-фан эришган ютуқларни амалиётга жорий қилиш орқали иқтисодий ўсиш суръатини кўтариш ривожланаётган давлатлар учун жуда муҳим ҳисобланади. Ана шу мақсадда келгуси йили июнь ойида Калифорния штатининг Сакраменто шаҳрида дунё давлатларининг қишлоқ хўжалиги вазирлари конференцияси ҳамда агротехнологиялар кўрасмаси ўтказилиши кутилмоқда.

Бу халқаро тадбирда Ўзбекистоннинг ҳам иштирок этиши юртимиз учун катта имкониятлар эшиги очилишини вазир алоҳида эътироф этди.

**Юнус БЎРОНОВ.**

## Президент истеъфога чиқди

**Якшанба куни Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе истеъфога чиққанлигини маълум қилди. Президент қароргоҳида журналистлар билан бўлиб ўтган қисқагина учрашув чоғида Шеварднадзе ўз халқига ҳеч қачон хиёнат қилмаганлигини айтди.**



**Муддатидан илгари Грузия президентлигига сайлов бўлиб ўтгунича, давлат раҳбари вазифасини 1999-2003 йилларда парламент раиси бўлган 39 ёшли Нино Бурджанадзе, мамлакат Конституциясига биноан, 45 кун давомида бажариб туради.**

## Ироқда яна қотиллик

**Ироқнинг Мосул шаҳрида америкалик икки аскар ироқлик жангарилар томонидан отиб ташланди. 101-дивизия қўмондони мазкур воқеага изоҳ беришдан бош тортди. Бундан ташқари, Ироқ полицияси полковниги Абдул Салам Канбар ҳам отиб ўлдирилган. У нефть қазиб олиш қурилмаларининг хавфсизлигини таъминларди.**

## Ётоқхонада ёнғин

**Якшанбадан душанбага ўтар кечаси Москвадаги Патрис Лумумба номли Халқлар дўстлиги университети ётоқхонасида кучли ёнғин содир бўлди. Оқибатда 32 киши оламдан кўз юмди, 140 дан ортиқ талаба тан жароҳати олди. Ўт ўчирувчиларнинг маълум қилишича, бинонинг 2, 3- қаватларида ёнғин бўлган. Ҳалок бўлганлар ичида Хитой, Бангладеш, Вьетнам ҳамда Афғонистондан келган талабалар бор.**



## Янги режа

**Яқин Шаркда тинчлик жараёнини қайтадан бошлаш учун Исроил Бош вазири Ариэл Шарон бир томонлама тинчлик келишувига эришиш имконияти мавжудлигини маълум қилди, аммо бу тўғрида қандай қарор қабул қилинишига аниқлик киритмади.**

## Сабаблари ўрганилмоқда

**Қозоғистон пойтахти — Остона шаҳри яқинидаги қамоқхоналарнинг бирида 24 маҳбус ўз жонига қасд қилган. Адлия вазирлиги вакили улардан 8 нафари шифохонага жойлаштирилганини маълум қилди.**

**Расмий маълумотларга қараганда, қамоқхона раҳбарияти маъмурий биноларни тозалаш ишларидан бош тортган маҳбусларни жазолашини эълон қилгандан сўнг улар шундай қилишган.**

**Йил давомида бу қамоқхонада бундай воқеа биринчи бор такрорланаётгани йўқ. Сентябрь ойида ҳам 10 нафар маҳбус ўз жонига қасд қилган эди. Айни пайтда бу ерда махсус комиссия воқеа сабабларини ўрганмоқда.**

## Ракетага қарши қурилма

**Япон газетаси бири Asahi Shimbunнинг ёзишича, АҚШ билан Япония ҳамкорликда баллистик ракеталарни зарарсизлантирувчи қурилмаларнинг янги авлодини яратишга киришди. Ушбу режа Япония ҳукумати ташаббуси билан ишлаб чиқилган бўлиб, яратилажак қурилма келгусида четга экспорт қилинади.**

**Юнус БЕК тайёрлади.**

# ОЛАМ НАФАСИ

**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

# Олти кунда тўрт портлаш

15 ва 20 ноябрь кунлари Истамбулда содир этилган террорчиликлар шаҳар аҳолиси, мамлакат ва бутун дунёни даҳшатга солди. Биринчисида икки синагогага ҳужум уюштирилган бўлса, иккинчисида Британия консуллиги ва Англия банкининг Туркиядаги 23 қаватли филиали биноси қаттиқ шикастланди.

Икки хунрезликда ҳам кўп киши ҳалок бўлди ва жабрланди. 15 ноябрдаги жиноятлар 27 кишининг ёстиғини қуритди, 250 нафар одамга тан жароҳати етказди, уларнинг кўпчилиги ҳали ҳам оғир аҳволда. Кейинги портлашлар 28 одамнинг ҳаётига зомин бўлди. Улар ичида Британия бош консули Рожер Шорт ва дипломатик корпуснинг яна бир аъзоси Лиза Холворз ҳам бор. У яқин орада истеъфога чиқишни режалаштирган эди. 450 нафардан зиёд киши жисмоний жароҳатдан азият чекмоқда. Жабрланганлар ичида бир неча давлат фуқаролари бор.



Маълум бўлишича, иккала сафарги кўпорувчиликларда бир хил портловчи моддалардан фойдаланилган ва улар пухта режалаштирилган.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг баъзилари мазкур кўпорувчиликларни 11 сентябрь воқеаларига қиёслашмоқда.

Террорчиликлар Истамбул ва бутун мамлакат иқтисодиётига ҳам катта зарар келтирмоқда. Маълумки, Туркия туристларни ўзига жалб қилиб келади. Туркияга сафар уюштиришга ихтисослашган Италиянинг Turban-Italia авиакомпанияси вакили йўловчилар мамлакатга учишни рад этишаётганини ҳақиқий фожиа, деб баҳолади. Туркия йўловчи самолётлари мамлакатга деярли бўш қайтишмоқда.

Истамбул бир вақтнинг ўзида Туркиянинг ишбилармонлик, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланади. Бу ерда хориж фирма ва муассасалари мамлакат пойтахти Анқарадан ҳам кўра кўп жойлашган. Оммавий ахборот воситаларидан бирининг ёзишича, «Анқарада террорчилик содир этилса, ҳукумат ва маъмуриятга зарар етказиши мумкин. Истамбулда амалга оширилса, бутун мамлакат марказига зарар келтиради».

Кўпчилик хориж давлатлари ҳам ўз фуқароларини Туркияга бормасликка чақирмоқда. Германия, Испания, Бельгия ва бошқа давлатлар Туркияга бориш хавфли экани ҳақида огоҳлантиришмоқда. Буюк Британия эса Туркияда яна террорчиликлар содир этилиши мумкинлигини маълум қилди.

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Истамбулда содир этилган террорчиликлар муносабати билан ўтган ҳафтада резолюция қабул қилди. Кенгаш террорчиликни дунё тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солаётган иллат сифатида қайд этди. ХК барча давлатларни «XXI аср вабоси»га қарши ҳамжиҳатликда курашиб, террорчилик ташкилотчилари ва унинг раҳнамоларини жавобгарликка тортишга чақирди.

НАТО Кенгаши ҳам Истамбулдаги террорчиликларни қоралаб, мазкур ваҳшийликка қарши курашда барча имкониятларини ишга солишини маълум қилди.

**С. ДОНИЁРОВ.**

### *Европанинг энг баланд биноси*

Британия ҳукумати Лондонда 66 қаватли бино қурилишини тасдиқлади. Қурилажак London Bridge Tower Британиянинг энг баланд иншооти бўлмиш Canary Wharf дан бир неча метр баландроқ бўлади. 300 метр баландликдаги янги бинонинг қурилиши 2005 йилда бошланиши мўлжалланмоқда.




***Москвада кучли қор ёғиши натижасида йўл ҳаракати бирмунча вақт тўхтаб қолди.***

### *Уддабурон «ихтирочи»*

Череповец шаҳрилик 22 ёшли фуқаро мажбурий ҳарбий хизматдан қутулишнинг янги услубини кашф қилди. Хизматга яроқсиз бўлиш учун у тўққизта тишини олдириб ташлади. Бироқ ҳарбий чақирув комиссияси хизматчиларининг сўзларига қараганда, хизматга яроқсиз бўлиш учун чақирилувчининг ўнта тиши йўқ бўлиши керак экан. Шу муносабат билан ёш «ихтирочи» баҳорги чақирувгача озод қилинди.




### *Ота-оналарнинг янги мажбурияти*

Германияда эндиликда ота-оналар қонун бўйича ўз фарзандларига майда харажатлар учун пул беришга мажбур. Болалар ва ёшлар ишлари бўйича идоранинг кўрсатмасига биноан, 15 ёшли ўсмир ҳафтасига 25-30 евро миқдорида пул олиши керак.

Ушбу мажбуриятдан хабардор бўлмаган ота-оналар ўз фарзандларининг аризаси асосида почта орқали тўлашлари керак бўлган пул миқдори кўрсатилган жадвални оладилар. Пул миқдори боланинг ёшига қараб белгиланади. Ушбу мажбуриятни бажармаган ота-оналарга жарима солинади.

### *Ўсмирни қамоқ кутаяпти*

Фукусиманинг округ суди Япония тарихида биринчи марта вояга етмаган ўсмирни қамоқ жазосига маҳкум қилди. Ўсмир ўғирлик ва зўрлаш каби жиноятларда айбланмоқда.

Бундай қарорнинг чиқарилиши вояга етмаганлар ҳақидаги қонунга ўзгартиш киритишга имкон берди.

**Хуршид РАУПОВ тайёрлади.**

*Юқори технологиялар бозори*

# Анжуман ҳамкорликка чорлайди

"Давлат бошқарувида электрон ҳужжат айланмаси". Бир неча кун аввал Тошкентда айнан шу мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари электрон ҳужжат айланмаси соҳасида дунёда етакчи Американинг DOKUMENTUM Inc ва унинг минтақавий шериги ETG Inc корпорацияларидир.

Америка корпорациялари томонидан МДҲ ҳудудидаги ваколлликларида хизмат қилувчи, консалтинг ҳамда дастурий таъминотни жорий этиш бўйича катта тажрибага эга етакчи экспертлар қатнашди. Мухбиримиз айнан шу мавзуда кенгроқ ахборот олиш мақсадида корпорациянинг Марказий Осиёда дастурий таъминотни сотиш бўйича директори Владимир ПРОЖОГИН билан учрашиб суҳбатлашди.

**— Владимир Сергеевич, нима учун DOKUMENTUM Inc компанияси Ўзбекистон бозорига кириб келишга аҳд қилди?**

— Биласизми, маркетингда "бозор пишиб етилиши керак" деган тушунча бор. Уни Dokumentumга нисбатан қўллайдиган бўлсак, бу ибораданбирор мамлакат маълум миқдорда локал тармоққа, маълумотлар базасига, компьютерларга эга бўлиши ва электрон шаклдаги кўплаб ҳужжатларни "ишлаб чиқиши" тушунилади.

Бундан ташқари, октябрь ойида Тошкентда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммитда иштирок этиб, турли даражадаги мутахассислар фикрини эшитгандим. Шундан Dokumentumнинг дастурий қарорлари уларнинг талабларига тўлиқ жавоб беришига ишонч ҳосил қилдим. Корпорация ишлаб чиқарадиган дастур маҳсулотларида ҳатто энг йирик ташкилотлар учун ҳам керак бўлган барча нарсалар ҳисобга олинган. Бу кенг кўламдаги вазифаларни комплекс ҳал этиш имконини берувчи тизим саналади. Муҳими, 2-3 йилдан сўнг уни эскирди, деб ташлаб юбормайсиз. Фақат янги вазифани киритсангиз кифоя. Яъни дастурий маҳсулот бир марта сотиб олинади. Керакли пайтда янги блок ва деталлар қўшилади, холос.

**— Анжуманнинг асосий мавзуи — "Давлат бошқарувида электрон ҳужжат айланмаси". Бунинг сабаби нимада?**

— Ҳақиқатан, Dokumentum корпорацияси давлат секторидаги буюртмачилар билан ишлашни ўзининг асосий йўналишларидан бири деб билади. Dokumentum бошқарувда ҳужжатлар билан таъминлашни автоматлаштириш тизими ва электрон архивга эга. Бу хизматлар сифати давлатнинг идора ҳужжатларини ривожланган мамлакатларда қабул қилинган стандарт бўйича қайд этиш ва сақлаш талабларига жавоб беради.

Dokumentum яратиш, келишиш, тасдиқлаш ва сақлаш босқичларини ўз ичига оладиган ҳар қандай турдаги ҳужжатларнинг "умри"ни узоқ вақтга чўзувчи кучли воситаларга эга. Шуни таъкидлаш жоизки, биз бир неча йилдан бери Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан ҳамкорлик қилиб келамиз. Янги бозорларда биринчи татбиқлар муҳим аҳамиятга эга. Бу пайтда кўпчилик бирор муаммо чиқиб қолмасмикин, деб қараб туради.

Худога шукур, ҳозирча муаммо чиққани йўқ. Чунки Dokumentum дастурий таъминотини татбиқ этиш бўйича бу ердаги шериклари жуда пухта ишлашди, деб ўйлайман. Катта имкониятларга эга буюртмачилар бу ерга бир мартагина келгач, Dokumentum ўзбек тилида ҳам чиқариладими, деган саволни бериб ўтирмайди. Сабаби — биз уни бошқа вазифалар каби тез ва сўзсиз бажарамиз.

**Баҳодир ИСМАТОВ.**

# Германияда Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари

Саксония ўлкасининг пойтахти — Дрезден шаҳрида "Саксонияда Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари" бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси иштирок этди.

Саксония иқтисодиётига кўмак берувчи жамият бошқаруви раиси Маркус Лётч мазкур тадбирни очар экан, "Саксонияда Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари"нинг ўтказилиши федерал ўлкадаги йирик ишбилармон доираларни Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти билан яқиндан танишишга ҳамда ўзбек корхоналари ва компаниялари билан тўғридан-тўғри, узоқ муддатли алоқаларни йўлга қўйишга қаратилган яна бир қадам эканини таъкидлади.

Шунингдек, нотиқ Ўзбекистон бозорида йирик немис компания ва фирмаларининг турли соҳаларда фаолият кўрсатишини мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг устувор йўналишларидан бири, деб қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Юнусов йиғилганлар эътиборини ҳукуматимиз томонидан иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар шу йилнинг 15 октябридан республикамиз ҳудудида халқаро операциялар бўйича сўмнинг эркин алмаштирилишини йўлга қўйишга ишончли асос яратганига қаратди.

Шунингдек, Р.Юнусов икки томонлама иқтисодий алоқаларни келгусида ривожлантириш тўғрисида гапирар экан, мамлакатда хорижий сармоядорлар фаолияти учун яратилган қулай шароитлар немис компанияларининг ўзбек шериклари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтиришига имкон яратишини таъкидлади.

Саксония ишбилармонлари вакиллари билан бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларига, хусусан, йўл қурилиши, машинасозлик, молия секторларига янги технологияларни олиб кириш масаласи муҳокама этилди.

— Ушбу тадбир нафақат Ўзбекистоннинг бой салоҳиятини намойиш қилди, балки Саксония ишбилармонлари учун мамлакатингиз ишончли ва узоқ муддатли ҳамкор сифатида алоҳида аҳамиятга эга эканини ҳам кўрсатди, — деди Саксония иқтисодига кўмак берувчи жамият бошқаруви раиси Маркус Лётч. — Юртингизга саксониялик ишбилармонлар қизиқишининг ортаётганлиги қулай сармоя муҳитининг мавжудлиги билан боғлиқдир.

"Саксонияда Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари" доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг Саксония иқтисодиёт ва меҳнат давлат вазири М.Голло билан учрашуви ҳамда «Давра суҳбати» бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва федерал ўлка ўртасида турли даражадаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, автомобиль йўлларини қуриш ва техник жиҳатдан ёрдам бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон» АА.**

*Спорт*

# УЕФА ишқибозларни огоҳлантирмоқда

Европа Футбол уюшмаси — УЕФА келаси йили Португалияда ўтадиган қитъа биринчилиги финал учрашувларида қатнашадиган терма жамоаларнинг мухлисларидан ташвишда. Чунки аввалги чемпионатларда айнан футбол ишқибозларининг тартибсизликлари оқибатида кўнгилсиз воқеалар юзага келганди. Шу боис "Португалия-2004" бошланмасдан илгари УЕФА қатъий қарор чиқарди.



Агарда финал баҳсларида иштирок этаётган қайсидир терма жамоанинг мухлислари жанжалга сабабчи бўлса, ўша давлат футболчилари чемпионатдан бутунлай четлаштирилади.

УЕФА бош котиби Герхард Айгнернинг айтишича, "Евро-2004" қатнашувчилари ўз ишқибозларининг хулқига жавоб бериши шарт. Бу эса чемпионатнинг осуда кечишини таъминлайди, дейди бош котиб.

# Кличко Пурлетт билан келишолмади



Ўта оғир вазнли украиналик боксчиларнинг кичиги Владимир Кличконинг навбатдаги "жанг"ини ўтказишга бир ойдан кам вақт қолди. Шунга қарамай, унга ҳалигача муносиб рақиб топилмаяпти. Лекин бундан бир неча кун олдин хориж оммавий ахборот воситаларида кичик Кличко ганалик 30 ёшли Анри Пурлетт билан рингга чиқади, деган хабарлар пайдо бўлди. Буни украиналик боксчининг ўзи ҳам тасдиқлади.

— 20 декабрда Анри Пурлеттга қарши рингга чиқиш варианти кўриб чиқилаётганди, — дейди Владимир. — Бироқ менинг промоутерларим буни рад этишди.

Маълумотларга қараганда, томонлар мукофот пули масаласида келишолмаган. Кличконинг промоутери Клаус Питер Колл мукофот пулининг ичига барча сарф-харажатлар кириб кетишини айтган. Пурлетт томони эса бунга кўнмаган.

**Дилмурод ПАРПИЕВ.**





# «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ»

**ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ**

2003 йил 21 ноябрдаги 183-сонли буйруғига биноан, 2003 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасидаги почта алоқаси айрим хизмат турлари учун янги тарифлар белгиланди.

## ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАР УЧУН ТАРИФЛАР

**Жўнатмалар ва хизматлар тури**

### ПОСИЛКА ЖЎНАТИШ

**МДҲ ДАВЛАТЛАРИ**

| Оғирлик ўлчамлари, кг | Озарбойжон | | Арманистон | | Беларусь | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти |
| 1 килограммгача | 6700 | 6930 | 6910 | 7210 | 4530 | 8630 |
| 15 дан 20 килограммгача | 41410 | 46170 | 36030 | 42050 | 28870 | 110910 |
| **Оғирлик ўлчамлари, кг** | **Грузия** | | **Қозоғистон** | | **Қирғизистон** | |
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти |
| 1 килограммгача | 7940 | 8930 | 4090 | 4970 | 4870 | 5130 |
| 15 дан 20 килограммгача | 49040 | 68780 | 24440 | 41940 | 28010 | 33190 |
| **Оғирлик ўлчамлари, кг** | **Молдова** | | **Россия** | | **Тожикистон** | |
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти |
| 1 килограммгача | 6810 | 7680 | 9740 | 12120 | 4860 | 5160 |
| 15 дан 20 килограммгача | 43650 | 61010 | 38050 | 85650 | 34790 | 40810 |
| **Оғирлик ўлчамлари, кг** | **Туркманистон** | | **Украина** | | | |
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | | |
| 1 килограммгача | 5090 | 5810 | 6540 | 7660 | | |
| 15 дан 20 килограммгача | 23180 | 37600 | 32210 | 54610 | | |

**УЗОҚ ХОРИЖ**

| Оғирлик ўлчамлари, кг | ЕВРОПА | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Дания | | Исландия | | Германия | |
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти |
| 1 килограммгача | 5810 | 7030 | 6480 | 8220 | 7820 | 9060 |
| 15 дан 20 килограммгача | 32940 | 57300 | 38670 | 73530 | 32950 | 57730 |
| **Оғирлик ўлчамлари, кг** | **ЕВРОПА** | | | | | |
| | **Испания** | | **Италия** | | **Швейцария** | |
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти |
| 1 килограммгача | 6350 | 7640 | 5700 | 6590 | 6050 | 7210 |
| 15 дан 20 килограммгача | 39060 | 64960 | 33900 | 51680 | 35310 | 58690 |
| **Оғирлик ўлчамлари, кг** | **Осиё** | | | | | |
| | **Исроил** | | **Покистон** | | **Ироқ** | |
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти |
| 1 килограммгача | 6230 | 6590 | 4870 | 6260 | 8410 | 9450 |
| 15 дан 20 килограммгача | 39880 | 47020 | 35730 | 63590 | 50970 | 71690 |
| **Оғирлик ўлчамлари, кг** | **Осиё** | | | | | |
| | **Япония** | | **БАА** | | **Эрон** | |
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти |
| 1 килограммгача | 6650 | 8070 | 4720 | 5720 | 6340 | 8220 |
| 15 дан 20 килограммгача | 44430 | 72710 | 32650 | 52670 | 30410 | 67930 |
| **Оғирлик ўлчамлари, кг** | **АФРИКА** | | | | | |
| | **ЖАР** | | **Нигерия** | | **Тунис** | |
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти |
| 1 килограммгача | 6300 | 9310 | 6260 | 8850 | 4690 | 5350 |
| 15 дан 20 килограммгача | 45540 | 105740 | 44830 | 96630 | 49910 | 62930 |
| **Оғирлик ўлчамлари, кг** | **АМЕРИКА** | | | | | |
| | **АҚШ** | | **Куба** | | **Бразилия** | |
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти |
| 1 килограммгача | 4870 | 7810 | 6000 | 9860 | 5500 | 10020 |
| 15 дан 20 килограммгача | 46760 | 100510 | 42980 | 120120 | 43800 | 134240 |
| **Оғирлик ўлчамлари, кг** | **АВСТРАЛИЯ** | | | | | |
| | **Австралия** | | **Янги Зеландия** | | **Гуам** | |
| | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти | ер усти транспорти | ҳаво транспорти |
| 1 килограммгача | 5270 | 8780 | 7190 | 11390 | 4730 | 7490 |
| 15 дан 20 килограммгача | 43710 | 113850 | 51350 | 135350 | 46090 | 98730 |

**ДИҚҚАТ!**

**Почта алоқа бўлимлари посилка қутилари билан таъминланган. Посилка қутилари стандарт бўлиб, халқаро талабларга жавоб беради. Почта алоқаси тарифлари ва хизматларининг тўлиқ рўйхати барча алоқа бўлимларида ва почта алоқаси корхоналарида мавжуд. Қўшимча хизмат учун тарифлар эса жойлардаги алоқа корхоналари томонидан ўрнатилади.**

## ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

***Ўзбекистон почтаси» ДАК.***

**НИЗОМИЙ номидаги**

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

*қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади.*

**I. Кафедра мудирлари:** Ватан тарихи; Ўзбекистон тарихи.

**II. Профессорлар:**

физика ва уни ўқитиш методикаси; кимё ва уни ўқитиш методикаси; фалсафа.

**III. Ўқитувчилар:**

демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти (4), иқтисодий назария (2), фалсафа (1), Ўзбекистон тарихи (3), тиббий билим асослари ва фуқаро ҳимояси (1), умумий педагогика (1).

***Кафедра мудири лавозимига фан доктори, профессор, фан номзоди, доцентлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати эълон чоп этилган кундан бошлаб — 30 кун.***

*Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:*

**Тошкент ш., «Братислава» (Юсуф Хос Ҳожиб) к., 103-уй, ходимлар бўлими.**

**Телефон: 55-68-70.**

**Ректорат.**

**2003 йил 27 ноябрь куни Тошкент шаҳрида «Тошкент почтамти» акциядорлик жамиятининг амалиёт залида**

Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг қўшма маркаси ишлаб чиқарилиши ва муомалага киритилиши муносабати билан махсус биринчи кун сўндириш тамғаси маросими ўтказилади.

*Барча қизиқувчиларни ушбу маросимга таклиф этамиз.*

**Манзил: Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 7-«А» уй.**


Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари

TS TECHNOLOGY
Компьютерлар ва компьютер технологиялари



Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари ўзининг ишончлилиги билан ажралиб туради, кўпгина фойдаланувчилар ва иловалар ишларини қўллаб-қувватлайди ва юқори унумдорлик билан ишлайди.

intel inside XEON

Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқаро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.

Тошкент шаҳри, Мусахонов кўчаси, 45-уй, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520-1522-офислар; http//:www.tstech.uz.
Корпоратив сотувлар: «Middle East Komputers», Тошкент ш., тел.: (371) 120-77-89, 120-77-56, факс: 132-24-63; e-mail: sales@tstech.uz.
Дистрибьютерлар: «Сакоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54; «Поиск» ЁИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80.

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporation нинг АҚШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгисидир.


*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

**Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг**

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МАРКАЗИ

*иншоотни тўлиқ қуриб битказиш учун пудрат савдоси (тендер)ни эълон қилади.*

1. **Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, «Ижанд» ширкат хўжалигида 600 ўқувчига мўлжалланган қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича касб-ҳунар коллежи қурилиши.**

Қурилишни тугаллаш муддати – 18 ой.
Буюртмачи – Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти капитал қурилиш бошқармаси.
Қурилиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан олиб борилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари объекти қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашишда талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашишда ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

**Навоий ш., С.Айний к., 32-уйда жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 225-53-85.**

*Бир тўплам (комплект) ҳужжатларнинг қиймати — 50000 сўм.*

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси биносида ўтказилади.**

